



МАҲАЛЛА

Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

ХАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ХАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

№ 49-50 (181-182)

2000 йил 12 июль, чоршанба

Газета 1996 йил январь ойдан чиқа бошлаган

Сотувда эркин нархда



ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

«МАҲАЛЛА — ОЛАМШУМУА ЯНГИЛИК»

Ўзбекистон Республикаси Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси Республика бошқарувида мазкур ташкилотлар раиси, Олий Мажлис депутати Шукрат Жалилов ва ҳисдошлик меҳмони Жаваҳирал Неру жамғармаси докторанти Рамаканд Диведидани ўзаро учрашуви ҳар галлик меҳмоннинг мамлакатимиз ҳаётида маҳалланинг ўрни ҳақидаги қизиқиши билан бошланди.

Ш.Жалилов Рамаканд Диведидани бу ҳақда батафсил маълумот берди. Жаноб Рамаканд Диведа бу ўзига хос таълимнинг фаолияти билан жаҳонда билан қизиқиб, бу ҳақдаги бой таассуротлари унинг учун ва унинг ватандашлари учун оламшумул янгилик эканлигини эътироф этди.

«Евро-2000» тугади, «Маҳалла-2000» давом этади

БУГУНГИ БОЛАЛАР — XXI АСР ЧЕМПИОНЛАРИ

Тошкентда «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва «Ешлар телеканалининг «Давр» тахририяти ташаббуси билан бошланган 11 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар ўртасида маҳаллалараро футбол баҳси давом этмоқда.

Ўшнингда бўлса, бу мусобақалар футбол бўйича Европа чемпионати билан бир вақтда бошланган эди. «Евро-2000» няхосида етди. Тахририятимиз шунга қўйсан «Маҳалла-2000» деб номлаган бу баҳс эса давом этмоқда. Тахририятимиз бекорга бу ўйинларни халқларо чемпионатларга қисқартган йўқ. Зотан, бу мусобақанинг маҳаллаларо эканлиги, яъни жамғармаларнинг худудий таълими ҳудуд шундай чемпионатга ўхшайди. Зотан, маҳалла — Ватан ичра кичик ватандир. Агар Халқаро чемпионатларда футболчилар ўз Ватани, халқи, миллати шаънини ҳимоя қилса, унинг довуғини ошириши учун курашса, маҳалла (Давоми 2-бетда.)

Бу борада худди ичимиздагини билгандек, этилган масалалар ечимини ҳал этиш йўллари кўрсатиб берибдилар. «Миллий истиқлол мафқурасида муҳаллас динимизнинг моҳияти, унинг инсонлараралик гоҳлари, динга соғлом муносабат масалалари ҳам ўзининг оқилона ифодасини топиши зарур» деб ўқитибдилар. Чиндан ҳам шундай. Биргина маҳалламиз тахририятимиздан келиб чиқиб, қисқача таҳлил этилган бўлса, шу пайтгача, кўп ҳолларда маҳалладаги масжид, унинг имом-хатиби ўз ҳолича, маҳалла тўғрисида кенгаши ўз ҳолича фаолият кўрсатиб келишарди.

Маҳаллада олиб борилаётган тарбиявий, маънавий талбирларда, миллий мафқураимиз доирасида юририлаётган тарғибот-ташвиқот ишларида динимизнинг эзгу ниятларига асосланган гоҳларидан, дин арбобларидан фойдаланиш, улар билан ҳамкорлик қилиш ҳамжиҳат бўлиш кўнгилдагидек эмас эди. Утган йили пойтахтимизда 16 февралда со-


ЭЪТИҚОДЛИ ХАЛҚМИЗ

Юртбошимизнинг «Донишманд халқимизнинг мустақкам иродасига ишонаман» сарлавҳали савол-жавобларидаги кенг қамровли, теран фикрлардан, айниқса, дин ҳақидаги ўйлари, маҳалламиз аҳлига жуда манзур бўлди.

Дир этилган жоғалар воқеалар кўзимизни очди, сезилар ва ҳушёр бўлишга, огоҳликка чорлади. Дин билан дунёвий ҳаёт масалаларини, бу икки тушунчанинг бир-бирига таъсири, ўртасида мўтадил муносабат бўлиши зарурлигини кўрсатди. Юртбошимиз, ушбу суҳбатларида бу муҳим масалага яна бир бор эътиборни қаратиб, оқилона иш қилибдилар.

Азиз маҳалладошлар, келинг, биргалишиб бир ўйлаб кўрайлик: маҳалла фуқаролар йиғини, масжид ҳамда ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари — утга куч соҳиблари биргалишиб, ягона режа асосида фаолият кўрсатиш тизимини яратайлик. Шунда кўп қиррали фаолиятимизнинг бир тармоғидаги масалани ечиб, кейинги бунёдкорлик ишларига киришиш имкониятига эга бўлардик.

Омонилла ҳожи МУТАЛОВ, Тошкент шаҳар Чилонзор туман, Чилонзор маҳалла фуқаролар йиғини раиси.



2-саҳифасида:

- XXI аср мўъжизаси маҳалла бўлади.
- Маҳалла комиссияси. У қандай бўлади?
- «Ҳокимиятдагилар шу одамни оқсоқолликка лозим кўришган Эмиш...»
- Тасис ва Маҳалла. Мақсад — маҳаллада соғлом турмуш тарзини шакллантириш.

3-саҳифасида:

- «Эгарчи»ни элга танитган эгар
- Яна муҳаббат ҳақида
- Тиниб-тинчиманган дунё

4-саҳифасида:

- «Бировнинг устидан кулмагин зинҳор...»
 - Ғазалсеварлар учун: Жомийнинг ўзбекча ғазаллари.
 - - Бу бешикнинг ҳақи қолмади.
- Ё яна биронтасини белаш ниятинг борми?
- Отамнинг бу гапдан онамиз дув қизарди.
- Учқуқ фақат одам бирор нарсадан кўрқса тошадими?... ёки бунинг бошқа сабаблари ҳам борми.

КЎРНИНГ ҲАССАСИ

(ёхуд бир махфий фирқанинг сир-синаотлари хусусида)

Афсуски, ҳаво чанг-ғуборсиз бўлмайди. Тўқсончи йилларнинг бошларида юртимизга «тоза» исломни ёйиш нисбати остида, нияти ёшларни ҳақ йўлдан адаштириш, диний эътиқотини ва кескинликларини уюштириш, шу орқали эркин ва фаровон турмушга раҳна солиш бўлган бир қатор махфий диний гуруҳлар қилиб келди. Келинг, ушбу гуруҳларнинг фақат бир намунасини — «ХИЗБУТ-ТАХРИР» фирқасини масолаи уларнинг асл баёнларини фоти қилишга ҳаракат қилай.

«ХИЗБУТ-ТАХРИР» арабчада «Ўзодлик партияси» демакдир. Бу махфий фирқани 1953 йилда Фарғона, кейинчалик Иордания ва Ливанда Тақийуддин Набҳоний деган одам ташкил қилган. Тақийуддин Набҳоний «Хизбут-таҳрир» фирқасининг асосий гоҳлари ва ҳаракат асосларини «Исом низоми», «Хизбут-таҳрир» тушунчалари, «Такатул», «Исомда итими Низоми» номи асарларида белгилаб берди. Унинг гоҳларини давом эттирган Абдулқадим Заллум эса 1996 йилда «Демократия куфр Низоми», «Исомда бошқарув Низоми», «Исом давлатида моллар» номи китобларини ёзди. Шунингдек, Абдулқадим Заллум «Ал-ваъй» («Он») журналини чоп эттира бошлади. Ушбу низомиларда демократик давлатни агарлар ва унинг ўрнида халифалик ўрнигаги асосий мақсад қилиб кўйилган. Халифаликдаги мансаб белгилашнинг эътибор берилган: халифа, халифа муовинлари, ижрочи муовин, жиҳод амيري, қўшиб бон кўмондон, қози, идорий жиҳод, уммат мажлиси, валиилар.

«ХИЗБУТ-ТАХРИР» ГУРУҲЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ТАБИЪАТИНИ. «Хизбут-таҳрир» аъзолари ўз давлатларини асосан ёшлар ичиде ўтказдилар. Биринчи давлатдак Оллоҳнинг буёнруқларини ҳамма бақарани шарт ва бундай гоҳин фақат «Хизбут-таҳрир» амалга оширартиги, деб аста-секин бирон-бир мўйлаб сабаб урмаган ёш йилнинг авлаб бошлайдилар. Айни кунда рўзғор тебатришлага мажбур ўткинчи иктисодий қийинчиликларни бўрттириб, бундай қийинчиликларни ҳал қилиш фақат «халифалик»нинг қўлидан келадди, деб сарфатта ҳам соташилар. Шу тариха туюлқча тушган йилгитта: «Энди сени тўғри йўлга бошлаймиз», дея «Исом Низоми» китобидан сабоқ берадилар. Ёш йилгит беш кишилик гуруҳ — «ХАЛҚА»га қўшилди. Янги йилгит «дорис» уювонига «мушарраф» бўлди. Уларни яхши таъбирларни кўрган «хиз»лардан тайинланган «мушарраф» ўқитди. Ёш йилгит бир неча ой дорис бўлиб, «Исом низоми»ни мустақкам ўрганган, унга «Ал-ваъй»

китоби ўқитилган. Ушбу ўқиниш тамом қилганларга «МУСОИД» ёки «КАТТА ХАЛҚА АМИРИ» деган унвон берилди. Барча ўқиниш жараёнида «хиз»лар ўз ёшларидан ҳар ойда фирқанинг ривожланишига маълум миқдорда пул ажратиш тўғрисида, бунин «таборат» дейишди. Шундай қилиб, «хиз»ларни ҳар томонлама тайёрлаб боришди. Бунин қарангки, «жиҳод», яъни жанг эълон қилинса, барча хизлар ушбу «жиҳод»да фаол бўлишлари ва бу йўлда ўлиб кетсалар, «жаннат»га киришлари алоҳида ўқитиб ўтилди. Хўш, қимга қарин «жиҳод» қилишди, ўзининг отасини «ё онасини»ми? Ўзининг халифини? Жаҳолат ва мутаассибликни қарангки, ўз халқига қарин қурашган одам «жаннат»га қирар эмий?

ҲАҚИҚАТИНИ. «Хизбут-таҳрир»нинг анъанавий ислом гоҳларига тамомла эдилди низомиларда қўринадиган «Хизбут-таҳрир» исом ва руҳининг мажбуриятини тан олмади. Уларнинг гоҳи бўйича, фақат намоз ўқинишгагина руҳонийлик мажбу. Ваҳоланки, биз туш қўраётганимизнинг ўзидек руҳиниз қанчалар қанча ҳаракатда бўлади. Ўзлар Қуръон тиловат қилганимизда лонмо ўтиб кетган аждоғларимизнинг руҳларини доо қилмас. Хозирги кунда ноёқ хислатли одамлар қўлиб мартабара руҳлар билан мулоқот (медитация амаллари) ўтказибдиларини ҳеч қимга сир эмас. Бундан танқари аждоғларимиздан ўтган азиз-валиилар ҳам руҳлар билан мулоқот қилганликларни маълум. Бунин қарангки, «Хизбут-таҳрир» сурбетлик билан нафақат бизни, балки азиз-валииларни — Оллоҳнинг дустларини ҳам ёлғончиға чиқариб, руҳ мажбуриятини инкор этдилар.

«Хизбут-таҳрир» қабр аъзо борининг ҳам тан олмади. Ваҳоланки, исом ал-Бухорий ўларнинг «Сахих» халифаликда қўйилган ривоятни қатъийлар: «Пайғамбаримиз Мухаммад Мустафо с.а.в. кабр аъзолари ўзинг асрагайсан», — деб дуо қилганлар». Қарангки, бунин дунё ислом аҳли ҳурмат ва эъзозга сазовор бўлган исом ал-Бухорийдек улун зотин ҳам булар ёлғончиға чиқарибдилар.

Ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатта келган «хиз»лар: «Ота-оналарнинг Ҳақ бўлиш билан, тапига қулб солманг, фақат бизнинг айтаганимиз тўғри» — деб фарзандларни ўз ота-оналарига бўйсунмасликка, шу йўл билан уларни оризо қилишга ундамоқдалар. Қачонки, пайғамбаримиз Мухаммад с.а.в. марҳамат қилиб айтаган: «Отага итбат қилиш — Тағрир итбат қилишдир. Унинг олдига тўноқ қилиш — Тағрир

эмасини! «Олийжаноблик»ни қарангки, «Хизбут-таҳрир» раҳбарларининг ўзлари ҳеч қачон варақа тарқатилдек «жаннатини» ишларга қўл урмадилар. Мабодо қўлга тушиб қолнса, муқарраб жиний жавобгарликка тортилишларини яхши билншадилар! Хўш, агар шундай исломий одам бўлсалар, жаннатини биринчи бўлиб ўзлари орзу қилсалар, нега унда раҳбар бўла туриб, варақани локма ёшлар қўлидан олиб, тарқатгани ўзлари чинмайдилар? «Хизбут-таҳрир» халқларига раҳбарлик қилаётганларнинг ақсарити ҳеч қаерда ишлайди. Қўларининг бола-чалалари бор. Агар узу-қун фирқа ишин билан машғул бўлсалар, қандай қилиб уларни боқаяпти эканлар? Албатта, биринчи гада улун чет эллардан доллар ҳисобига сармоя олишди, яна ёшларни адаб, «таборат» деб йилб олган пулларини ҳам мўйтақларига уришди. Ана шундай қилиб, дини нопок «Хизбут-таҳрир» раҳбарларининг республикамизда кўзга қўриган дин уламолари ва олимлари, қорларини фозилларнинг орқасидан намоз ўқималар, лозимнинг ўтмайди, улар қўғр бўлиб, деб тарқатган ишмишларини навабларни қабих фитиларидан беришди. Ахир, бу исломий эътиқоддаги мўмин мусулмонлар орасида очикдан-очик эътиқодларга юзга келтириш борасидаги ёвуз уриши эмасми? Шундай бўлмагур тапирини тарқатиб юртга гапмасин, бевасов «хиз»ларга бизнинг гапимиз шу: «Авал араб тилини ўзинг ахшлаб ўрган, Қуръонни ёд ол, қори бўл, шунда бундай қўпоқонга синамас давлоларини ўз-ўзиндан бутқул унутасин!»

Кўр хассасини бир марта йўқотди. Адашганлар, «хиз»чиларнинг макр-аждоғларига унганлар, кўзингизни очин! Халифалик қурамин, деб айюханос солаётганлар, шунчалар ҳам экан, нега Антарктиданнинг бепонёқ музликларини эгаллаб, ҳеч бир қийинчиликсиз орзуларини қилдириш барино эътиборидилар? Ҳуду нега улар исом калами тегмаган сарқарола эмас, айнан чўпни суксангиз ҳам нисол ундаган жаннатмақом юртимизда ўз сапаналарини ўрнатмоқчи бўлаётганлари сизга заррача ҳам шубҳа-ғумон уйғотмайдими? Шундай экан, уларнинг ил нияти — юртимизда Афғонистон, Тожикистон, Чеченистонда бўлгандек жоғароларни юзга келтириб, тинч ҳаётни излан чикариш ва мажбур барқарорликка путур этказиш. Бу ҳақда бошқача фикр юритиш асло мумкин эмас. Зеро, ўз юртининг эртасини, ўз фарзандларининг келажакини ўйлаган ҳар бир исом аъини дамба юқоридагидек қабих, разил қулчарига қарин қураша беришларини, ҳаракат қилиш лозим.

Бобурбек ҚУДРАТОВ

• ВАҚТ ҒАНИМАТДА БИР ЛУҚМА

Андижон ЭКИН ЭКМАЙСИЗМИ, МАҲАЛЛАДОШ?

Андижон эрдан унумли фойдаланиб, ўз рўзгорини ҳам тиклаб, «умумқозон»га ҳам «кафсан» ташлаган бўларди. «Ғўза тектари» йўқлар, хўжаликда ишлайман деган ёки ерин вақтинча ижарага олнган иқтисодий кўриб етмаганлар учун маҳалла фуқаролар йиғини ташаббус қилиб ёки «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлимлари ўз маблағи ҳисобидан ер ва уруғ олиб бериб, етиштирилган ҳосилни «тенг тақсимлаш» шартин билан ижарага олиб бериш бўларди-ку! Аслида бу тадбирнинг ўзи ҳам хайрия, ҳам қадамроғидек, муҳтож оилаларга моддий ёрдам эмасми? Бунинг устига топирилган мева-чева, сабзавотлар, дондулардан қадамроғидек, муҳтож, боқувчисиз йўқларга яна хайрия қилишдек савоб иш амалда бўларди. Шундай дегилману, «Бола йилгитимиз», она сир бермайдилар» нақлн ёлғитга тушди. Ташаббус ўзининдан, маҳалладан чиқмаса, қийин экан... Балки бу ташаббусни оқсоқоллар бошлаб берай. Йўқса, ё яна бесамар ўтиб кетасди.

М.ОТАХОНОВ, «Mahalla» мухбири.



MAHALLA
Ўзбекистон «МАҲАЛЛА» хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси
Давлат матбуот қўмитасида
00123-рақам билан рўйхатта
олинган.

Ташрият манзили:
Тошкент,
Буёқ Туран кўчаси, 41-уй

Телефонлар:
Хатлар бўлими: 136-53-75,
масъул котиб: 136-53-75
ижодий бўлимлар — 136-53-82.

Нашр кўрсаткичи: 148

Ҳомий:
«Матбуот тарқатувчи»
ҳиссдорлик жамияти

Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун
муаллифлар масъулдилар.

E-mail: mahalla@gazeta.silk.org

XXI АСР МАҲАЛЛАСИ АСР МУЪЖИЗАСИ БЎЛАДИ



«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги белгиланган фуқаролар йиғинларининг асосий фаолиятларини замон талаблари асосида бошқариш, давлатимизнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини, жамиятда тутган ўрнини янада кучайтириш мақсадида уларга давлат органларининг баъзи ваколатларини ўтказиш, ҳалқаро ташкилотларнинг маҳаллалар билан ҳамкорлигини ривожлантириш, барча фаолиятларнинг маҳаллаларда сўзсиз амалий бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган қандай ташкилий масалаларни очмоқ керак! Бу савол «Тошкент шаҳар маҳаллаларининг истиқболи» мавзусидаги семинарда ҳам семинар хулосасида келиб чиқиб ва ўз кузатишларимиз асосида синчиклаб ўрганилди.

МАҲАЛЛАДА ҚАНДАЙ КОМИССИЯЛАР БЎЛАДИ

Асосий фаолиятнинг барча йўналишлари бўйича иш юритиш, фуқаролар ва бошқа жамоат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимиятлар тузилмалари ва халқаро ташкилотлар билан муносабатлар қилиш учун қуйидаги доимий комиссиялар маҳаллаларда самарали иш олиб боришини ташкил қилиш зарур деб ҳисоблаймиз.

1. Тўй, умумхалқ байрамлари, шонли анъаналар, юбилейлар ва маросимларни ўтказиш комиссияси. Ҳар бир маҳалла унинг худудига яшаётган аҳолининг ўзига хос хусусиятларини, уларнинг турмуш тарзи, имкониятлари, ижтимоий ва сўбсий жараёнга нисбатан муносабатини ҳисобга олган ҳолда комиссия ваколатлари асосида тадбирларни режалаштириши ва ўтказиши керак.

2. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бандлик масалалари. Давлат ўз хоҳиши ва қарори билан аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг асосий тамойилларини маҳаллалар орқали амалга ошираётган. Бу жуда катта ишонч ва юқори масъулиятдир. Ана шу фаолият бажарилаётган жараёнда давлат ташкилотлари томонидан маъмуриятчилик ва буйруқбозлик асосида бажарилаётган фаолиятлар ўрнига янги кенг, жамоатчилик фикрига, ижтимоий адолатчиликка, меҳр-муҳаббатга, фуқароларнинг ўз ҳуқуқидан фойдаланиш соҳисидagi маданиятини оширишга асосланган кенг демократик тамойиллар асосида тизим шаклланишига эътиборни қаратмоқ зарур. Яқин келажакда бу комиссия фуқароларнинг иш билан таъминланишига замин яратиши зарур.

3. Соғлом ҳаёт тарзини, тозалик, санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилишни тарғиб қилиш комиссияси. Соғлом авлод ўстириши ва тарбиялаш кундалик ички фаолият талаб қилувчи масалалар. Ҳар бир шахс, ҳар бир оиланинг саломатлиги, фарзандларимизнинг жисмоний ва ақлий ривожланган, ма-

даниятли бўлиши бу давлат бойлигининг асосий кўрсаткичидир. Айниқса бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврининг иқтисодий қийинчиликлари мавжуд бўлган бир даврда бу масала ўта долзарбдир. Шунинг учун ҳам Президентимиз ташаббуси билан 2000 йил - Соғлом авлод йили деб эълон қилинган.

4. Ёшлар муаммолари комиссияси: Давлатимизнинг келажиги, унинг раънақи ва жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ёшларнинг соғломлиги, тарбияси, ўлими, касбига бўлган муносабати ва дунёқараши билан белгиланади. Мактаб ва маҳалла спорт иншоотларини таъмирлаш, уларнинг ишлаш самарасини ошириш, хунарманд ота-оналар ёрдамида ёшларни касб-хунарга ўратиб, меҳнатга жалб қилиш учун маҳалла имкониятларидан фойдаланиш, шароитлар яратиш, маҳалла ва шаҳардаги саждагоҳларнинг ободонлаштирилишида ёшларни жалб қилиш, маҳаллаларда ёш тадбиркорлар, зук-колар гуруҳларини, спорт беллашувларини ташкил қилиш, ёшларни маҳалла раҳбар органларига кўтариш комиссиясининг асосий вазифалари ҳисобланади.

5. Хотин-қизлар муаммолари билан шуғулданувчи комиссия. Бу комиссия азалдан барча маҳаллаларда мавжуд ва шу кунгача комиссия аъзолари маҳалла ҳаётига тегишли барча фаолият турлари билан шуғулланган. Бундан кейин эса бу комиссия ўз фаолиятини хотин-қизларнинг мавжуд муаммолари бўйича ҳар қандай ташаббусларни қўллаб-қувватлаши ва шароитлар яратиши зарур.

6. Худудни ривожлантириш, ободонлаштириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш комиссияси. Худудда фуқароларнинг барча эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган муассасалар, хизмат кўрсатиш корхоналари ва бошқа кундалик зарур ташкилотларнинг мавжудлигини мониторинг қилиш. Ху-

дудни ривожлантириш режаси ва лойиҳасини тузиш. Худудни ободонлаштириш, муҳофаза қилиш бўйича туман ҳокимияти ободонлаштириш бўлимлари, маҳалла худудидagi ташкилотлар, корхоналар, «Экосан» бўлимлари билан шартномалар тузиш ва бажарилишини таъминлаш, қурилиш-таъмирлаш, ва кўламазорлаштириш гуруҳлари ва бригадалари ва бошқа ташкилотлар тузиш, депутатлар билан ҳамкорлик қилиш.

7. Маҳаллада маънавият ва маърифат марказлари фаолиятини таъминлаш, маънавият ва маърифат кенгашлири, диний идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказиш, аҳолининг маданиятини ривожлантириш, уларнинг онгига миллий мафкура ва Ватан туйғуси қадриятларини сингдириш.

Юқорида номланган комиссиялардан ташқари маҳаллаларда маъмурий тафтиш ва назорат комиссиялари, «Маҳалла побонлари» жамоат тузилмалари, ички ишлар бўлимларининг профилактика ходимлари фаолият кўрсатадилар. Маҳалла ўз ўрнида бу комиссияларнинг фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиши ва улар билан узвий ҳамкорлик қилиши зарур. Бундан ташқари маҳаллаларда жамоат ташкилотларининг маҳалла тузилмалари фаолият кўрсатишлари учун ҳам зарур шароитлар яратилган бўлиши керак. Шундангина ўзаро фойдали ҳамкорлик ўрнатилди; маҳалла кучаяди, маҳаллада фуқаролик жамиятининг куртаги ҳосил бўлади, фуқаролар онгига асосланган ўзини ўзи бошқариш тизими шаклланади. Бу тизимнинг негизи халқ маффаатининг устуворлиги, халқ фаровонлигининг долзарблигидандир.

Рустам БОБОЖОНОВ,
Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси раиси муовини,
«Маҳалла зиёси» ўқув-услубий маркази директори.

КУТУБХОНА — ГРАНТ СОҲИБИ

Республикамизнинг энг йирик зиё масканларидан бири - Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонаси янги адабиётлар билан бойиди.

СОРОС фондининг МДХ давлатлари доирасидаги лойиҳаси асосида мазкур кутубхона шундай имтиёзга биринчилар қатори сазовор бўлди. Тўрт юздан зиёд янги китобни келтиришга сарфланган харажатнинг йигирма беш фоизини кутубхона ўз маблағи ҳисобидан қоплади. Улар орасида ғарб файласуфларининг нодир асарлари, иқтисодиёт, бизнес, социология, ҳуқуқшунослик, маданиятшуносликка оид янги адабиётлар бор.

Шуниси эътиборлики, СОРОС жамғармасининг пойтахт кутубхоналари ўртасида ўтказган танловда мазкур кутубхонанинг «Тошкент шаҳрининг оммавий кутубхоналарида ижтимоий журналлар» лойиҳаси энг яхши деб топилди, кутубхона жамғарманинг махсус грантини қўлга келтирди.

Н. УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Кашқадарё вилояти

Баъзи воқеа ҳодисаларни кўриб, уларга гувоҳ бўлиб, ҳайратдан ёқа ушлайсан, киши.

Ҳозир тўй мавсуми. Маҳаллаларда қарнай-сурнай садолари, чилдирмаларнинг бака-буми тинмайди. Улар тинч-тотувлигимиз, тўқдигимиз нишонаси. Хайр-эхсон улашиш, топганини кўлар билан баҳам кўриш, эл олдига дастурхон ёзиш қон-қонига сингиб кетган ҳалқимизнинг. Лекин... Ҳа, ана шу лекин баъзан кўнлингизни хира қилади. Тўйнинг тинч оёқини, ортиқча дабдабасиз ўтказишга масъул оқсоқол қайвонларнинг хурмача қилиқлари хунобингни оширади.

Шанба кун қадронларимиздан бири кеңжасининг кўлини ҳаллолади. Ҳали меҳмонлар тўлиқ келиб улгурганича йўқ. Даврага кўлар қатори кириб келган, кўринишидан анчагина маданиятли киши тўйбошилар билан кўришидо соя-салқиндаги столларнинг бирдан жой олди. Атрофга аламлиб кўнглига ёққан, сўзини икки қилмайдиган, қилиқларига чилайдиган ум-тўрт нафар йигитни ўзига ҳамроҳ қилди. Тўй эгаси даврага белгиланган йигитларни чақириб, қатор кўргазмалар берди. Бир пасда стол ароғу коньякларга, ичимликларга мос газаларга тўлди. Қўлаҳлар кетма-кет уриштирилди, стол «ташкilotчи» шайинга


ОҚСОҚОЛ ДЕГАНИ...

мақтовлар айтиларди. «Ташкilotчи» ҳам хизматкорларга тинчлик бермас, оғзинга сиққанча бурюарди. У гуё атрофда бошқа олам йўғу, ҳамма ташвишу таҳлика биргина шу столда ўтирганларнинг кўнглини олишга қаратилгандек, Санъаткорлар ҳам шулар измида. Улар истаган қўшқларни қўйлашади.

Бу одамнинг қилмишларидан, ўзини тугишдан тоқатим тоқ бўлади. Ёнма-ён ўтирган отахонлардан унинг қилмигини сўрадим:
- Маҳалла оқсоқоли, - деди отахон ранжиган оҳангда. - Уятсиз. Ароқ деса, ўзини томдан ташлайди. Қилиқларини қаранг. Ақдан оғанлар ҳам бунчалик бақана баулмас. Жанозалар асосан маҳалла оқсоқолисиз ўтади.
- Бошқа бирор муносиб-роқ киши йўқми, маҳаллага раислик учун?
- Одамохун, муносиблар етарди. Ҳокимиятдагилар шуни лозим кўришган эмиш. Билмадим уларга бунинг нимаси ёқди.

Бу даврага ҳар ким ҳам чидаб бермас эди. Ақинчи вақтида йиғиннинг олганлар, нималариндир баҳона қилиб қочиб кўтулар, давраларининг хоҳиши билан янги аъзолар «қабул қилинарди». Фил-ни пашша қилувчи ароғу коньяклар ўз кучини кўрсатар, даврадошларнинг оғзидан али кириб, вали чичар, гавадлар беҳушов тебранди.
Ниҳоят, «маданиятли» киши тўй эгасини ҳузурга чорлади.
- Хизматимиздан мамнунмисиз? Йўқ, йўқ, айтинг, розимисиз хизматимиздан?
- Хурсандман, ахир тўй кўпники, маҳалланики...
- Ана шундай, биз қамтар қулингиз тўйларни тўйдек қилиб ўтказамиз. Энди менга жавоб берайсиз. Бугенга ўзларингиз хушёр бўлиб ўтказасизлар. Бизга аталгани бўлса, уйга етказарезиз.
Оқсоқол ловдираб ўридан туришга уринди, бироқ тўролмади. «Тиргаклар» қўлтиқдан киришди. Не азоблар билан уни машинага жойлашди. Ҳамма ҳайратланиб кузатиб қолди.
Уйлаб қолсан, киши: наҳотки элбоши ҳисобланган оқсоқол шунчалик бўлса? Маҳалладошлари унинг нимасидан ўртак олади? Оқсоқоллик масъулияти, жонкуярлик, фидойилик, маҳалла аҳлига қайишши қани? Шу тоғфалаги маҳалладошларини бундай қилмишларига чидаб юриш шартми?
Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
«MahaHa» мухбири.

МАҲАЛЛА ВА ХОРИЖ



ТАСИС ЛОЙИҲАСИ ХИЗМАТДА

Тошкентда Европа Иттифоқи қарамағдан Тасис Лойиҳаси ва Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси томонидан «Маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Тасис Лойиҳаси раҳбарияти ва халқаро экспертлар, Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси Республика Бошқаруви раҳбарлари, жамғарманинг Навоий ва Фарғона вилоятларидаги туман ва шаҳар бўлимларининг барча раҳбарлари ва бир қанча маҳаллаларнинг оқсоқоллари, ҳар икки вилоятдан ҳокимият вакиллари, соғлиқни сақлаш марказларининг, оидлавий ва маҳалла тиббиёт пунктларининг, хорижий халқаро жамғарма ва ташкилотларнинг раҳбарлари қатнашди.

Семинарда Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси вакиллари иштирокида Тасис Лойиҳаси томонидан ишлаб чиқилган соғлом ҳаёт тарзини шакллантиришнинг ташкилий модели ва уни маҳаллаларда жорий қилиш

муаммолари таҳлил қилинди ва маҳаллалар учун тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. Семинар қатнашчилари Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси, профессор Шухрат Жалиловнинг «Соғлом ҳаёт тарзини маҳаллаларда шакллантириш» мавзусидаги илмий ва амалий асосланган маърузасини тинглаб, тегишли тавсиялар қабул қилдилар. «Маҳалла» жамғармаси раисининг муовини доцент Р.Бобожонов томонидан «Соғлом ҳаёт тарзини шакллантиришда маҳалла комиссияларининг фаолияти» мавзуси бўйича киритган барча маҳаллаларда соғлом ҳаёт тарзини тарғиб қилувчи комиссиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари, тиббиёт муассасалари вакиллари иштирокида тузиладиган соғлом ҳаёт тарзи масалалари бўйича маҳалла маблағат кенгашлири ҳақидаги таклифлари кўриб чиқилди ва қатнашчилар томонидан қўллаб-қувватланди.

Семинарда қўллаб-қувватлашга оид тавсиялар қабул қилинди.

Шу кунларда Тасиснинг яна бир Лойиҳаси томонидан «Маҳаллий давлат ҳокимиятини тақомиллаштириш истиқболлари» мавзусидаги семинари бўлиб ўтди.

Семинар ишида маҳаллий давлат бошқаруви муаммолари билан бир қаторда маҳаллаларнинг истиқбол муаммолари ҳам батафсил таҳлил қилинди ва бу соҳада тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. Лойиҳанинг маҳаллий экспертлари Ш.Жалилов ва Р.Бобожоновлар томонидан тавсия қилинган маҳаллаларнинг порлоқ келажакда унинг аънавий вазифаларини қайтайтириш, давлат томонидан бериладиган ваколатларнинг бажарилиши учун фаолиятини кучайтириш, XXI аср маҳалласи концепциясини ишлаб чиқариш ва маҳаллаларнинг баъзи ваколатларини ҳуқуқ доирасига кўтариш масалалари иштирокчилар томонидан қўллаб-қувватланди.



«Оллоҳ етказса кўраимиз XXI аср деганлари не мўъжизалар кўрсатаркан...»

ҚОНУН ВА ИЖРО

Қадимий бир ривоятда айтилишича, ўғирлик қилиб дор тасига келтирилган ишгитга сўнги тилагини айтиши имкони берилади. Шунда у «Онамни кўрмоқчиман» дейди. Онамзорини топиб келтирадилар.

ЭГРИ ТАЁҚНИНГ СОЯСИ

«Онажон, тилларингдан ўтиб, сен билан видолашмоқчиман!» дейди ўғил. Онаси фарзандига яқин борали, шунда ўғил унинг тилидан шартта тишлаб олади. «Нега бундай қилдинг?» дейди оломон даҳшатга тушиб. «Биринчи бора уйга ўғирлик нарса олиб келганимда онам шу тилларни билан мени мақтаган эди. Агар ўшанда мени қаттиқроқ койиб берганимда балки бугун дор тилида ўлимимни кутиб ўтирмасдим!» дейди йигит.

Ахорр Раҳимов шу кунимаст, Гулҳаний кўчаси бўйлаб Янгибозор томонга кетаётган эди. 16-хонадон ёнидан ўтаётди, қизил рангли «Нексиан»ни кўриб қолади. Атрофда ҳеч ким йўқ, теварак қоронғу, жимжит бўлгани унинг учун айни қўлай пайт эди. У тезда автомашина эшигини очиб, у ердан 10.000 сўм пул, қимматбаҳо мўйнали телпак (нархи 50.000 сўм экани аниқланди), беш минг сўмлик автомашина соати, машина эгасига таалуқли ишончнома (СГ 0314066) паспорт, булочка (2-1172 номерли), техник талон (1915873 номерли) ҳамда автомашинанинг техник паспортини қўлга киритди. У ўғирлик молларини олиб қочаётган пайтда ушланиб, милиция ходимларига топширилди.

Ахорр Раҳимов сулда қўлимшлари учун пўшаймон

эканлиги айтиб, уэр сўради. Жабранлувчи М.Азизов ҳамда гувоҳлар А.Солиқов, А.Хусанов, М.Фозилолов судланувчи билан бир маҳаллада яшагилар, унинг оиласи, битта норасида фарзанди, ҳимоясиз, касалманд онаси борлиги, шунингдек, у етказилган молдй зарарини қоплагани, яъни ўғирлик молларини қайтаргани сабабли жазони бироз енгиллаштириш сулдан илтимос қилдилар. Суд бу нарсаларни ҳисобга олди ва А.Раҳимовга нисбатан қамқоқ жазосини тайинлади.

Халқимизда «Эгри таёқнинг сояси ҳам эгри бўлади» деган нақл бор. Ҳалол пул топиш ўрнига ўғирликни касб қилиш инсонни рақиллик ботқоқига етказилади ва ниҳоят чоҳқа қўлатади.
«Кўш уясиди кўргандини қилади» дейдилар. Агар хонадон эгалари ориятли, номусли ва ҳалол бўлишса, ҳар қандай эгри ишдан ҳазар қилишса, бу нарса ўз-ўзидан болалар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Шу хонадонда ўсаётган болалар ҳам ҳалол ва пок бўлиб улғайдилар. Йиғинлик тарбияси доимий вазирамиз бўлиб қолсин. Бунга ҳеч биримиз умиймайлик.
Ҳақназар МАТНАЗАРОВ,
Фарғона вилояти, Кўкюн шаҳар судьяси.

Жиззах Янги шиғо МАСКАНЛАРИ

Вилоятда «Соғлом авлод» давлат дастурини бажариш йўлида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳар ва туманларда замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган янги шиғо масканлари барпо этилмоқда.

Яқинда вилоятнинг одис Фориш туманидаги «Кизилқум» ва «Меҳнатобод» ижара ширкатлар бирлашмалари худудда қишлоқ врачлик пунктлари ишга туширилди. «Кизилқум» ҳужайида мавжуд бўлган қишлоқ врачлик амбулаториясини 1,5 миллион сўм маблағ эвазига таъмирдан чиқарилиб, 4 миллион сўмлик замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. «Меҳнатобод»даги қишлоқ врачлик амбулаториясини таъмирлаш учун эса 3,5 миллион сўм маблағ сарфланган ва 4,5 миллион сўмга замонавий тиббий асбоб-ускуналар сотиб олинди.

Йўлчи Жўра, ЎЗА мухбири.

БУГУНГИ БОЛАЛАР — XXI АСР ЧЕМПИОНЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ёш футболчилари ўз маҳалласи довриги учун тўп сурмоқдалар. Яъни кичик ватан ичра чиниқиб, она Ватан - Ўзбекистон довриги учун, тўп суриб бахти учун ўзларини тайёрламоқдалар.

Бизнинг назаримизда ҳозир давом этаётган бу мусобақа ҳақиқатан ҳам келажак футболни яратди. Чунки кўпчилик ичда иқтидорли, талантли бўлажак футболчиларни танлашнинг ҳам энг тўғри йўли шундир. Негизга? Маълумки, ёшларни футболга (спортнинг бошқа турларига ҳам) жалб қилишнинг бирдан бир йўли бу мавжуд футбол мактаблари бўлиб келади. Аввало, бу мактаблар ўз ичига бу даражада кўп болаларни оломайди. Демак, кўплаб қобилиятли болалар четда қолиши табиий. Шунингдек, бу мактабларга болалар ота-оналар ташаббуси ва имкониятларидан келиб чиқиб келади. Демак, бу ҳолатда ҳам лаёқатлиларнинг ҳақиқий танлаиши юз бермайди. (Ота-оналарнинг хоҳиши, боланинг мактабга қатнаши имконияти бу қобилият белгиси эмас-да). Бугунги ўтказилаётган мусобақанинг эса оммавийлиги ва ҳамма бола учун қатнаша олиш имконияти бу ҳолатга барҳам беради. Бир сўз билан айтганда, бу ташаббус кенг қўллаб-қувватланса, маҳаллалар, кейин эса Ўзбекистон футбол Ватанига айланганига шубҳа йўқ. Бу - талбирнинг асосий мақсади нуқтан назаридан баҳоси.

Масаланинг яна бир муҳим томони бор. Тошкент шаҳрида 450 та, республикамизда 11 мингдан зиёд маҳалла мавжуд. Агар ҳар бир маҳалла жамоасида (қўллаб маҳаллаларда бир нечталаб жамоа тузилган) 15 тагача шу ёшли бола жам бўлишини, бу ўйинларга муҳлис сифатида минглаб катта-кичик болалар майдонларга келётганини ҳисобга олсак, ёзда безли-бор қолаётган болаларнинг эгри йўллардан холи юришига эришаётганлигимиз ҳам кўз олдимида маълум бўлади.
...Телевизионда 11 ёшдан 14 ёшгача маҳалла болаларини футбол чорловчи реклама намойиш этилади. (Қани эди, барча рекламаларда ҳам шундай ҳолис, хайри ниёт бўлса...) «Маҳалла» жамғармасининг эса телефонлари тинмайди:
- Алло, мен футболга кирмоқчим эдим...
- Отинг ким?
- Жасур!
- Маҳаллада оқсоқолига учрадингми?
- Учрадим, энди вақт кеч бўлди, жамоа тузиб бўлинди, дедилар...
Жамғармадан эса ўша маҳалла оқсоқолига кўнгиноқ қилинади, болалар футболни учун вақт ҳеч қанон кеч бўлмастлиги уқтирилади. Зотан бу талбир доимий бўлиши ҳаёт тақозосидир.

Чори ЛАТИПОВ

ЯХШИ МУОЛАЖА ВА ЯХШИ СЎЗ

Бу йилнинг «Соғлом авлод учун» ширини остида ўтаётганлиги юртимизда улайиб келадиган ёш авлодга эътиборнинг кучайтирилишининг ёрқин намунасикидир. Аввало келажакимиз бунёдкорлари бўлган фарзандларимизнинг соғлиқларига эътибор кўрсатиш барчамизнинг бурчимиз. Айниқса бу соҳада тиббиёт ходимлари самарали ишларини амалга оширмоқда.

Нукус шаҳар болалар шифохонасининг асаб касалликлар бўлимида Қорақалпоғистон Республикасининг деярли барча туманларидан шу хасталикка чалинган ёш болалар келиб даволанишди. Бўлимда ногирон болалар тапиролмайдиган, қўл-оёғи яхши ишламайдиган ва бошқа ДЦП беморлари даво-

ланади. Беморларга малакали 3 шифокор, 7 ҳамшира ва 8 кичик тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатишади. Бўлимда ўз касбига мейр қўйган инсонлар кўплаб топилди. Улардан асаб касалликлари шифокорлари Узоқбой Полмонов, Дүйсенбой Ойтимбетов, ҳамширалардан Маҳида Қониярова, Гулхон Комоловаларнинг хизматлари эътиборга лойиқдир. Уларни бу ерда даволанишгаётган барча бемор болалар «ака, опа» деб хурмат қилишади.

Шукурбой СИПАТДИНОВ,
Суратда: Нукус шаҳри болалар касалликлар бўлими бошлиғи Қ.Ажиниёзов беморни кўздан кечираётган.



МАҲАЛЛА ТАРИХИ

Ҳамюртларимиз нотаниш инсон билан учрашсалар «Кайси маҳалладансиз?» деб сўрайдилар. Маҳалла номин билгач, у оламга ҳам адашмай баҳо берадилар, кимлигини билдиришадилар.

Инсоннинг камолатга етишида маҳалланинг тарбияси беқиссиз. Тошкент шаҳрини олсак, қадимда инсонни бир кўришувчиёқ қайси маҳалладанлигини ҳам билса бўларди.

Айтилик тик қоматли, озгин, сергайрат чойхоналарда ҳатто ёнларида ёстиқ бўлсада ёнбошмайидиган чоллар, чавандоз навқарлар бир маҳаллада яшаса, Шолар иккинчисиде яшарди. «Кўкча» даҳасида тўқувчилар кўплигидан қарияларгина эмас, балки ўрта яшар эркеклар ҳам сал бўктайиб юрардилар. Шайхонтоҳур даҳасидаги маҳаллаларда эса бойлар, бекалар, заргарлар, мўйнадўзлар кўпроқ яшар, уларнинг либослари ҳам башан бўларди, ўта нозиктаб, ғазалдонликлари билан ажралиб турарлар.

«ЭҒАРЧИ»НИНГ ДОВРУФИНИ ЧИҚАРГАН ЭҒАРЛАРИ ЭДИ

Жумладан Туркистонда театр санъатининг шон-шухратини оламга таратган Маннон Уйғур, Аброр Ҳидоятлов, улуғ адиб Ойбек, атоқли шоирлар Ғайратий, Зулфия шу даҳадан чиққан. «Оҳонгузар» маҳалласида бўлса, Ҳазрати Имом - Каффоли Шойий, Бароқхон мадрасасининг улаомлари яшаган.

Кўрамизки, маҳалла - Ватан тарихи. Бинобарин, тарихимизни чуқур ва кенг батафсил ўрганиб, мукамал даражада билиш учун маҳаллаларнинг ўтмишини ва бугунини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. «Маҳалла» газетаси таҳририяти ана шу шарафли ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш учун, ўз саҳифаларида Республика маҳаллалари ҳақида мақолалар бериб боришга қарор қилди.

Рўзномада чоп этилган маълумотларни газетхонларнинг фикр-мулоҳазалари билан тўлдириб, келгусида китоб шаклида нашр этиш, тарихимиз қаддини, буйи-бастини тўла кўтаришга ҳисса қўшиш, уни авлодларимиз хотира дарслигига айлантириш мудирилик.

БАЛЛИ, ТАДБИРКОР!

Андижон вилояти

ҚИШЛОҒИМИЗ ҚИЗЛАРИ «ДЭНДИ» ЎЙНАШАДИ

Эзги таътилнинг биринчи кунидек катта ўғлимни шоширдим: - Сени шаҳарга жўнатаман, аммантлар ноивойлик қилишди, уларга дастерлик қиласан, ҳам хунар ўрганасан... Гап шундайки, биз шаҳардан кўчиб келганимиз. Ҳали мол-ҳол боқиб, деҳқончилик қилиш бўйича «машғул» насиб этмади. Болаларим ёз бўйи тош телиб, умрини бекорга ўтказмаса делганим.

Бормайман, - деди ўғлим бошини эгиб. - Э ажаб, шаҳардан қишлоққа кўчиб келганимизга кўнукмай, анчагача дийдиб қилиб юрган шу эмасмиди?!

Маҳалла болаларига дадам маҳалламизда ягона тadbirkор деб мақтанга қўйганман. Мен кулиб юбордим. «Tadbirkordimgimning ёзги дам олишларинга нима алоқаси бор?»

Бу қишлоқдаги болалар ҳар ёзда эриққаркан. Эрталаб ва кечқурунги салқинда ота-оналарининг деҳқончиликларига, подасига қарашиса, жазирама иссиқда каналда чўмилиб келишларини ҳисобга олмасан, кун бўйи эриқиб юришаркан. Шаҳарга кетишнинг эшитиб, ҳавас қилиб ўқинишди. Чилдаб туролганим, даламга айтиб, «дэнди» компьютер уйинхонаси очаман, шаҳарга кетмай, сизлар билан қоламан, - деб ваъда берганман.

Ҳайратдан қотдим. Бир қувонсам, бир иккиланардим. Ўғлимда тadbirkорликка ажойиб гоя тугилди. Аммо айтарли ортиқча сармоман йўқ... Ўғлим ичимдагини ўққандай: - Дада хавотирланманг, қилган харажатингизни икки

ойдаёқ қоплаймиз, - деди. - Қандай бўларкин, бундай уйинлар шаҳарда гажжум жойла ярашарди, қишлоқда, маҳаллаларда... - Қоплайди, дада - қатъий гапирди ўғлим. - Ҳамма болаларнинг ота-онасиам «дэнди» уйинларига пул беравермас деб чўчиюпсизда. Сиз фирмангизга қоғоз мақалатураси, латта эски-тускиларни йиғаяпти, сиз тўринос? Маҳалламиз болалари шу нарсаларни йиғиб, эвазига «дэнди» ўйнашади. Мен эса фирмангизга пул эмас, мақалатура ва эски-туски топшириш ҳисобидан сотиб олиб берганингиз телевизор ва «дэнди» системасининг харажатларини тиклаб бераман...

Дарвозамиз олдидаги уйни болаларга бўшатиб бердим. Анчагина пулга телевизор ва «дэнди» система сотиб олдик. Маҳалламиз болаларининг қувонганини кўрсангиз?! «Ёз - маҳалладаям соз», дейишади. Улар турли компьютер уйинлари, бошқотирмалар билан қизикиб бекорчиликдан, кўча чангибти юришдан қутулишган. «Дэнди» залимизда баъзан қизлар кўпайганини кўриб, қувонаман. Ҳатто шаҳардан қиларининг «дэнди» ўйнаганларини учратганимиз. Ўғил болалар эгаллаб олишган бўларди. Маҳалламиз болалари айни пайтда ижтимоий фойдални ишларга улшун қўшишапти. Улар тўплаган қоғоз ва эски-тускиларни заводга етказиб, том ёпқич қорақоғоз ишлаб чиқараяпти. Бундай қурилиш материаллари эса янги қурилаётган мактаб ва коллежларга сув билан ҳаводек зарур.

ТАДБИРКОР ОТА.



КИМ НИМАНИ ЎҚИЙДИ?

Отахон бекорчиликда ўзига бир ҳамсуҳбат тополмагани устига, ўқий деса унинг кўнглидан чиқадиган газет-пазет ҳам йўқ бу «киноска» деганлариди. «Киноска»-да-ку газет-журнал кўп, лекин биттаси «Я молодой!» дегани - анави «ёш амдик» ўқётган газетми? Ё тавба, биров ўқинти-ю, кўзини қайда олиб қочини билмайсан, киши.

Яхши, шу дўқондан топмаганим, «Маҳалла»га обуна бўлакчаланам!

Ҳа, «Маҳалла»га обуна бўлинг, дўқонлардан ахтармайсиз, саҳифаларини очиб, кайфиятнингиз бўзламайди, аксинча кўнглингиз равшан тортади!

Тошкентнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Эгарчи» маҳалласи узоқ тарихга эга. У ерда эгар ясайдиған усталар яшаган. Эгар буюмгина бўлиб қолмай, безак ҳамдир. Чавандозлар эгарга керакли нарсаларини боғлаб олиб ҳам юрганлар.

«ЭҒАРЧИ»НИНГ ДОВРУФИНИ ЧИҚАРГАН ЭҒАРЛАРИ ЭДИ

Баъзиларда эгарнинг ёнида, қинда тиг осилдиқ турган. У курси, кечаси эса ёстиқ вази фасини ўтаган. Чопарлар учун махсус эгарлар ясалди, асосий махтуб эгарга яшириб қўйилган. Негаки, чопарлар отни алмаштирганда ҳам, кечаси ётганда ҳам эгардан ажралшмаган. Эгар не не воқеаларнинг гувоҳи бўлмаган. У талаба кўра ҳар хил - оқили, солда, нақшин қилиб тайёрланган. Қўрпачилари ҳам талаба, мансабга, пулга яраша бўлган. Ҳуллас, «Эгарчи» маҳалласининг аскар аҳолиси хунарман бўлиб, деҳқончилик, болдорчилик билан шуғулланган. Уларнинг Чилонзор мавзесида болалар, далалари бўлган. Асосан, тут, қайрағоч ўстирганлар.

Эгарчилик сулоласига мансуб бир қариянинг ҳикоялари едим: - Усталар ёгочларни бир-бирига шундай пайванд қилишар эканки, уларнинг улангани билинмас экан. Ёғоч қисм-

ларини пайвандлаш ўта нозик ва масъулиятли иш бўлган. Биз сўхбатлашган Пўлат эгарчи ҳам чопарга махтубини беркитадиган жойли эгар ясаб берган экан. Пўлат эгарчи иморат устунларини пайвандлаганда бус-бутун ҳарилан ҳам мустаҳкам бўларкан. 1900-йилларда «Эгарчи» маҳалласида Саъдулло деган моҳир, дили эгарчи уста яшаган экан. Унинг айниқса, аёллар учун тайёрланган эгарларнинг довури Асраҳан, ҳатто Қашқаргача етган экан. Қозоқ, қирғиз бойбача хонимларига унинг эгари одат бўлади. Эгарчи маҳалласига қозоқ ва қирғиз биллари ва савдогарлари эгарга харидор бўлиб келган.

«Эгарчи» маҳалласи ҳақида билганларимиз ҳозирча шу. Газетхонлар орасида ушбу маҳалла ҳақида кимдир яна нималарини эшитганлар, билар. Марҳамат қилиб, билганларини бизга ёзиб юборсалар, миннатдор бўлардик. Акбар ЮСУФОВ.



ХУНАРМАНЛАР — САЙДУЛЛО ВА САЙФУЛЛО

Бухоро ҳудудидан топилган қадимги археологик темир буюмлар топилмаси темирчилик касбининг узоқ ўтмишларида ҳам мавжудлигидан дарак беради. Умумий қилиб темирчилик ҳам давлатсиз, лекин қайси металл ёки темир буюмлари билан ишлаш ва қандай темир буюмларни ясашига қараб алоҳида номлар билан аташган.

Темир хунармандчилиги орасида мички, тақасоз, мисгар, заргар каби усталар бўлиб, улар қаторида личоқ ясаб, уларга иллов берувчилар - личоқсоз (кордосоз)лар алоҳида ўрин эгалтаган. Улар рўзгорда ишлаётган олдий ничоқдан тортиб, санъат асари бўлиши катта-катта қимматбахо қилчлар ҳам ясаганлар.

Ўрта Осиё элчилари усталар томонидан ясалган пўлат ничоқ ва элчиларни совға сифатида тақдим этганлар. Ака-ука Сайдулло ва Сайфулло Икромовлар ёшлиқларидан ота-боболари касби бўлиши темирчиликка қўнғил қўйиб, буш вақтларини устахонадан ўтказдилар. Ҳозирга келиб улар ҳалқ орасида ҳурмат қозонган туртинчи авлод хунармандлари ҳисобланадилар. Бир неча йилдири, улар нафақат мамлакатимиз, балки халқаро кўргазмаларда ҳам иштирок этиб келмоқдалар.

1997 йилдан халқ хунармандчилиги ва ўймакорлик санъати «Хунарманд» республика уюшмаси аъзоси ҳамдир.

Суратларда: Икромовлар оиласи хунармандлари.

ОДАМЛАРДА ИНСОФ КЎП...

фақат инсофсизда инсоф йўқ

Ҳожибобо эртаметанда хайрли маънода сал бесаранжмоққ бўлиб қолдилар. У киши қўшнисининг ишидан таъсирланиб ўзларича дер эдилар: - Зап қўшим бор-да, барака топгур. Яхши тушга ҳам садақ беради, ёмон тушга ҳам. Буғун ҳам бир сиқим пул ташииб кетди, бояқши. Мухтожларга берадиси, деб.

Ҳожибобонинг кўз олдида жума масжидини тиймр қилётган усталар келди. Улар Оллоҳ йўлида ишлаётган хашарчилар эди. Шулларга яхши шўрвабоп гўштдан элтиб берай, деган ниятда гузарга қараб йўл олдилар. Қассобга рўбарў бўлди-да, бор гапни секин шипшиди. Қассоб мийғида кулганга гўштиги яхши жойидан тортиди-да, яна анча-мунча қайтми билан Ҳожибобога тўтқанди. Бо-бо хайрон бўлиб сўрадилар: - Ўғлим, бу лейман, пулга барака кириб кетганим, ё нотўғри санабманми?

Тўғри санабгансиз, бо-бо, тўппа-тўғри, фақат, - деди қассоб ингит жамнаиб, - мен танингина олдим, қўл ҳақиқо устамасини олдим, савобига озроқ шерик қиларенс. - Эээ... Умрингдан барака топ, болам. Мен бор-йўли дастерман ҳолос. Савобига Оллоҳнинг ўзи шерик қилсин сени.

Ҳожибобо қассоб берган қайтмига нон олиб, гўштга қўшиб олиб кириб бормоқчи бўлди. Нонвойга ҳам секингина мақсадсини айтиди. Нонвой пулни олди-да, отанинг қўлига бир даста нон тутди. - И-е, бу жуда кўп-ку болам, пулни санаб кўрдингми? - Санадим, бо-бо санадим. Фақат мен қўшим пули билан хизмат ҳақини олмадим. Савобига мени ҳам шерик қиларенс.

Вой, болақоним-эй, Оллоҳ шерик қилсин, сени Оллоҳ.

Шу гузал манаралардан кейин ҳам одамларда инсоф йўқ деб кўрингми?!. Аксинча, одамларда инсоф кўп. Инсофсизда инсоф йўқ ҳолос.

Жамиид НЕЪМАТОВ.

ҲАҚИҚАТГА ҚАЙТИШ

Биринчи автомобил 1885 йили Германияда яратилган эди. «XIX аср мўъжизаси» деб эътироф қилинган бу янгилик тез орада бутун дунёга ёйилиб кетди. Бинобарин, автомобил жумлаи оламни забт этиб, цивилизациянинг ажралмас қисмига айланиб қолди.

Агар ҳозир автомобиль одамларга нисбатан етми марта тез қўйлаётганини, шунингдек, Ёришанг Миллатлар Ташкилотини башорат қилганидек, 2000 йилда автомобиллар сони ер кўрасида қарий 750 миллионга етганини кўз олдимизга келтирсак, автомобил ҳаракати натижасида чиқётган зарарли газ таъсирига қарши курашиш дунё бўйича долзарб муаммолардан бирига айлангани аён бўлиб қолади. Бу эса муаммони бошқача тарафда ҳал этиш, яъни автомобилларнинг зарарли таъсирини камайтириш устида иш олиб бориш лозимлигини тақозо этарди.

Асримизнинг энгилгинчи йилларида Лос-анжелеслик (АҚШ) кимёгар Х.Смит лабораториясида автомобилнинг чикинди газларидан захарли қурумни ажратиб олишга эришгач, мутахассислар ҳавони ифлослантирмайдиган янги автомобил яратиш ҳаракатига тушиб қолди. Ҳозирча бу борада бир неча йўналишда тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Олимларнинг фикрича, яқин келажакда ички ёнғун двигатели ўрнини захарли газ моддаларини камроқ чиқарувчи бошқача турдаги янги двигателлар эгаллай бошлайди. Чикинди газлардан батамом қутулишнинг энг самарали йўли - электромобиллардан фойдаланишга ўтишдир.

Бу хил электромобилларда олдий ўрнига электромотор ўрнатилган бўлиб, у аккумулятор батареялари ёрдамида ишлайди. Электромобил ҳавони ифлослантирмайди ва қарий шовқинсиз ҳаракатланади. Бошқариш ва техник хизмат кўрсатишга ҳам қулай.

Электромобилда одатдаги электромобил бўладиган радиатор, двигател, трансмиссия ва ёниги баки ўрнини фақат кимёвий ток манбаи ҳамда электр двигател эгаллайди, холос. Бу эса машинанинг ҳамма филларларини стаковичи қилиб ишлашга имкон беради.

Буни қарангки, аккумуляторли электромобиллар гоёси, янгилик эмас, балки унутилган кашфиёт экан. Аслини олганда, электромобил бензинли автомобиль билан бир пайтда пайдо бўлган.

Асримизнинг бошларида электромобиллар тез-тез учраб турарди. 20-йилларда АҚШ да 15-18 мингтага яқин аккумуляторли электромобиллар бўлган. 30-40-йилларда эса электромобиллар Германияда кенг тарқалди. Кейинги вақтда Англия, АҚШ, Япония каби ривожланган мамлакатларда ҳам бу хил транспорт воситалари кенг тарқалмоқда. Ҳозир бутун дунё бўйича юз минглаб электромобиллар бор.

Атроф муҳитнинг мусофоллигини сақлаб қолиш, экологик инқирознинг олдини олиш учун кураш тобора кучайиб бораётган бир пайтда электромобилга ўхшаш транспорт воситасига эҳтиёж кун сайин ошиб бораётганлиги ҳаммага аён. Шунинг учун электромобилми ёки шунга ўхшаш зарарсиз бўлмаган янги хил транспорт воситасини, келажакда асосий ҳаракатланиш улови бўлиб қолса, ажаб эмас. Абдураим ОТАМЕТОВ тайёрлаган.



жало! Эгизаклар (22.05-21.06). Соғлигингиз панд бериб қўямаслиги ҳақида қайгури-нг. Кўпроқ дам олиб, севган кишингиз кўнгли - ошёнени ширин бахт ифори билан чулганг. Қисқичбақа (22.06-22.07). Ҳафта бизнес ва молияга тааллуқли ишларга қўл ургангиз-гиз кўтаринки кайфият берувчи натижалар ҳосилини беради. Сизнинггиз яхшилигиз сизнинг кайфиятингизга мезонидир. Ҳафта давомида атрофдагиларга яхши муносабатда бўлинг. Ассон (23.07-22.08). Ушбу ҳафтада романтик кайфиятлар асир бўласиз. Буни энгта кодулардан манмулик билан билдирмоқдалар. Пайшанбада моддий аҳволингиз яхшиланади. Дам олиш қувиларида ажиб бир ҳилқат кўнгли чечакларнинг музоқни бўлажак. Паризод (23.08-22.09). Ҳафта мобайнида кўнглингиз

СЕВГИ «ШАЙТОННИНГ ИШИ»МИ?

Қиз бола остона ҳатлаб кўчага чиқарилмай, фақат тўрт девор орасида вояга етган ва тақдирдошини чимилдиқдагина кўрган замонларда ҳам муҳаббат бор эди.

Икки ёш янгалар томонидан юз кўриштирилиб, сўнг дарров тўй бошлаб юборилган йилларда ҳам бор эди муҳаббат. У ҳар кўнгида пинҳон, кўзларда яширин, оқ-воҳсиз, вазинму сўзсиз эди. Кейин, севи тилларга кўчди, кичи тоблирга кўчди. Сиргини қолмади. Сехри йўқолди, қадри пасайди. Ҳам ошқора, ҳам кўксиз... Айримлар шу «замонавий» муҳаббатни оқладди. Кимлариди қадимий муҳаббатни ёқлади, соғинди. Муҳаббат эса ҳар даврда ҳам муҳаббатлигига қолди, жонни ўртаб, юракни забт этаверди. Бировга лаззат берди, бировга ҳасрат бўлди. Бировга бахт ато этди, бировга армон...

Олис қишлоқдаги бир никоҳ тўйида қатнашдим. Базм ўртасида кўбегинг жўраларида бирига сўз берилди. Шунда у йилги бошқалар каби тантанавор «нутқ» сўзлаб ўтирарди. Балки кўнгидаги гапларини олдигина қилиб айтиб қўя қолди: - Кексаларимиз айтганидай, турмушнинг пасту-баланди сўмоқлари кўп. Истардимки, ҳар қандай ҳолатда ҳам муҳаббатингизни оёқ ости қилманг. То бугунгача бўлган туйгуларингизни омон асра-нг, шу туйгуларга суяниб яшанг... Уша йилнинг сўзлари

АСКАРЛАР ҲУЗУРИДА «АЛПОМИШ» САҲНАДА

Жиззах вилоят хотин-қизлар кўмитаси, мудофиа ишлари бошқармаси, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари воҳадаги ҳарбий бўлинмаларда бўлиб, аскарлар билан қизиқарли учрашувлар ўтказди.

Учрашувлар чоғида меҳмонлар аскар ва зобитларнинг янаш тарзи, уларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар. Ҳарбийлар меҳмонлар уюштирган катта концерт дастуридан ҳам баҳраманд бўлишди.

Йўлчи Жўра, УзА мухбири

Афғонистон

Афғонистонда «Толибон» ҳаракати билан Шимолий иттифоқ кўнглини ўртасида қаттиқ жанглар кетмоқда. Шимолий альянс вакилининг маълум қилишича, Чорикор шаҳри йўналиши бўйлаб ҳужум қилган толиблар яна аввалги фронт чизигини ҳайлаб чиқарилган.

Зимбабве

Зимбабве пойтахти Хараредаги миллий стадионда фозеа юз берди. 2002 йили жаҳон чемпионати саралаш мусобақалари доирасида Зимбабве ҳамда Жанубий Африка Республикаси терма жамоалари ўртасида бўладиган ўйинни кўриш учун 60 мингта яқин томошабин йирилган эди. Учрашув бошлангач, ишқибозлар майдонга ҳар хил нарсаларни ота бошладилар. Туполонни бостириш учун полициячилар қўздан ёш оқизувчи газни ишга солди. Одамлар тартибсиз равишда стадионни ташлаб кетаётганда эса 12 киши оёқ остида қолиб ҳалок бўлди.

Куба

Куба ва АҚШ миллий олимпия кўмиталари ўртасида битим имзоланди. Куба миллий олимпия кўмитаси раиси Хосе Рамон Фернандеснинг маълум қилишича, маъкур ҳужжат икки мамлакат ўртасида спорт соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган.

Кузатувчиларнинг таъкидлашича, сўнгги йилларда Кубада спортга эътибор анча кучаймоқда. Бу йил Сиднейда бўлажак олимпиадада Кубадан 250 нафар спортчи иштирок этади. Бу мамлакат учун ўзига хос рекордир.

Колумбия

Колумбия пойтахти Боготадан 100 километрга узоқликда жойлашган Вильявенсино аэропортида самолёт ҳалокатга учради.

АҚШда ишлаб чиқарилган «Куртис» русеумли самолёт ҳавога кўтарилгандан кейин икки дақиқа ўтгач, ерга қулаб тушиб ёниб кетди. Оқибатда 12 киши ҳалок бўлди, тўрт киши жараҳатланди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, фозеага самолётнинг ҳаддан ортқ эскириб кетгани сабаб бўлган. У 50-йилларда ишлаб чиқарилган экан.

Хитой

Хитойнинг кўроқчиликдан азият чекаётган Шэньси вилояти аҳолиси сабрсизлик билан кутган ёмғир кулфат олиб келди. Қаттиқ жала оқибатда юз берган тошқин 35 кишининг ёстигини кўрипти.

Халқ хўжалигига юз миллионлаб юан микдоринга зарар етди. Хабарларга қараганда, тахминан 70 миңг тектар экин майдони сув остида қолган.

нглимга меҳмон бўлган қизларни санасам саноқдан адашаман, - деди ушанда охири кўрсда ўқётган талаба йилги. - Бешинчи курсга ўтганимга-ча қанчалаб қизларга севи из-хор эдим. Дунёда тенги йўқ бўлиб кўринган қиз бир-икки ҳафта ўтиб неғадир ёқмай қоларди. Сўнг боқасини топардим. Ҳамкурсларим менга «сен енгилтаксан!» деб ошқора айтишарди. Яқинда бир қизни учратдим, кўзим «ярк» этиб очилди. Севи тамоман бошқача бўларкан! Энди шу қиз билан турмуш қурмоқчиман. Биласизми, мен шу пайтгача учратган қизларни фақат кўнгли билан севиб эканман. Энди билсам, кўнгли кўнглича кишини алдар экан!

Балки бахтлишга тўғри келар?! Кўнгли нима? У - қалб. Бир пайтлар Пушкин ҳам ўз маҳбубасига «Сенинг калбининг севаман!» деган экан. Шойринг севиқлиси Наталья Гончарованинг сеҳрли «калбин» заррама-зарра ўрганишига файласуфларимиз нақ юз эллик йиллик вақтни сарф-лашмадим, ахир! Ва тушунидиларки, у меҳрибон ва ўта назокатли аёл бўлган экан! Демак, муҳаббат кўнга қадриятларимиз, инсонийлик фазилатларимиз билан узвий боғлиқ экан-да! Қолаверса, «Кўнгли - Оллоҳнинг назаридир!» деган қадимий гап ҳам бор. Шундай экан, қай севи муҳим? Қалб севиқсими? Ё ақл билан севиб қоламиз керамикин? Сиз нима дейсиз?

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА. Кимлариди кўнгли севиқсини ҳақиқий деб ҳисоблайдилар. Яна бировлар «ақл билан севиш керак» деб ўйлашди. Турмушнинг кураш майдониди қай бирини қўйиб қарқин? Шу ҳақда ўйланганимиз? Рўхуносларнинг таъкидлашича, инсоннинг кўнгли бир сутка давомида 60 мартаба ўзгариб тураркан! Улар «ақл севиқси» барқарор дея эътироф этишлар.

Кайсидир йили ёшлар даврасида бўлган чоғларимда бир суҳбатни хотирлайман. - Менинг бу беқарор кў-

Хабарлар

ОЛАМДА НИМА ГАП

Малайзия

Малайзияда АҚШ ва Шимолий Корея вакиллари ўртасида учрашув бошланди. Унда КХДР ракета дастурининг ижросини тўхтатиш масаласи муҳокама этилмоқда.

АҚШ билан Шимолий Корея ўртасида бу масала бўйича музокавалар 1996 йилдан бўён давом этиб келмоқда. Вашингтон Пхеньяндан ракета дастури ижросини бутунлай тўхтатишни сўрайпти.

Лондон

Донгдор «Нестле» компанияси, Буюк Британия ҳукумати мамлакатнинг евро зонасида қўнлишини тельаштирмаси, у ердаги ўз сармоясини камайтириши мумкинлигини билдирди. Чунки, айни пайтда фунт стерлинг кучлиги боис ишлаб чиқариш харажатлари ва тайёр маҳсулот баҳаси Европа Иттифоқидаги бошқа мамлакатларга қараганда анча юқори бўляпти.

Буюк Британияда «Нестле»нинг 27 корхонаси бор. Уларда 13 миңта яқин одам меҳнат қилади.

Работ

Нигерия Президент Атику Абу Бакр мамлакатда шарият қ

ЯХШИЛАР ГУЛШАНИ

Фозил қори Ёсин ўғли СОБИРОВ

20. БОШИНГИЗГА ТУШГАНЛАРИ БИРОВДАНМАС

Бу сизга Оллоҳ таолох томонидан катта бир оғоҳантириш бўлади. Айниқса, мансабдор одам амалдан тушиб қолса, шулай бир кунгиликликни Оллоҳ раво кўрса, кўп нарсани билиб олади.

Мўмин одам ҳалол, ишонувчан бўлади. Ҳаммани дўст, деб юради-ю, бошига бирон-бир дард, ғам, кулфат тушганда кўзи очилиб, дўст ким, душманни ким, риёкор ким билиб олади.

азобларининг юборилинг...» дейилса, Оллоҳнинг ҳақи қелади, гуноҳларингиз қўяди. Ҳаммаси ният поклигига боғлиқ. Ёки «Мен шундай бўлишимга фалончи сабаб, бундай бўлса, отам улмасмиди, анани айтиб қўйган бўлмаса, болаларим ташлаб кетмасди...» деган гапларни қилиб, бошингизга тушганларни бировдан кўрмаган, гуноҳга боғланган. Тақдирини охирига шубҳа қилмаган, бировдан кўрмаган.

Ушбу мавзуда Қуръони Карим оятларидан, Ҳадиси шарифдаги ҳикматлардан четта чиқмаган ҳолда ёзган газалимизни келтирай:

Ким бекордир ўзага отса лаяғат тошини, Лаяғати қайтга ўзага, ҳам етгай ўз бошини.

Ким биров тузми ичиб, унга хиёнат айласа, Кўр қилур еган тузи, ҳам оқилур кўз ёшини.

Ким бировнинг ҳақини қўрқмай тановула айласа, Қондин бўлган бола бир кун ёраду бошини.

Ким ғариб, бечорани қўнглига озор айласа, Топқуси озор Худодан, сиз кўрин фарёдини.

Ким биров бошига келган ғам аламлардан қулар, Бир кун бошига келган, тоғмай бардошини.

Фозило, бу дунёда ҳеч кимга қилма хушга, Ҳар не келди бошига кўрсунгай қилмишининг.

Бизда яна бир ёмон иллат борки, бировнинг бошига бир ғам, ташвиш, ё дард келса, «Ҳа, бундан бир нарсат ўтган, шу гуноҳларини учун шундай бўлди» дейдилар. Ҳукм чиқаришга

ким сенга изи берди, эй гофил? Худо сенки бандаларида дард беради, айтганимиздай, ташвиш беради, шу билан синидай. Жабронил алайҳиссалом сўрадилар:

«Ё рабим, Фирван бир юз йилгирма йил яшаси, лекин битта тишини ҳам оғритмадинг. На тишини кўрт етдики, на дард бердинг, на ғам бердинг, нега бундай қилидинг?»

«Ёмон кўраман уни, - дебди Оллоҳ, - мен дард, мусибатни дўстларимга бераманки, мендан узоқлашиб кетишмасин. Ҳар битта дардининг кейинроғида Оллоҳ деганини яхши кўраман, - деди Оллоҳ. Ҳар бир ғам келганда юрагиндан Оллоҳ деганини сезаман. Фирван: «Оллоҳман, Худодан, дебдим, юрaversин. Дардларини беравериб, ғам беравериб Оллоҳ умуман, гуноҳдан пок қилиб қўяди». Яна бир мувоваққат Хадисларидан Сарварни олам айтдиларки: «Кимки бошига бало келса, балоларга сабр қилса, кимга Оллоҳ бахту омад берса, шунга шукр қилса, ким бировга зулм қилса, унга ҳам биров зулм қилганда ке-чирвора, Оллоҳга ҳамд-санолар айтиб, дарвор ке-чирса, шундай фелъга эга бўлганларга Оллоҳ томонидан тинчлик бор ва улар ҳаққини ҳилоятга тушган одамлардир».

Мусибатга сабр қилмоқлик, Оллоҳ берганда талтаймасдан, шукр қилмоқлик, биров унга зулм қилганда, уэр сўраса, ке-чириб юборишдан ва ўзи гуноҳ қилганда таваб қилмоғини учун Оллоҳнинг икки дунё саодатини беради. Бундайлар ҳаққини ҳилоят топганлар қаторида бўлар эканлар.

ТАРИХДАН ТАРИҚЧА


Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий - икки буюк сиймо, дунё маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган икки буюк халқ вакиллари. Навоий ва Жомий ҳаётда бир-бирига дўсту қадрдон, устозу шогирд бўлиб умргузаронлик қилишган.

ЖОМИЙНИНГ ЎЗБЕКЧА ҒАЗАЛЛАРИ

Уларнинг иккаласининг ҳам тақдирларида ўхшаш жиҳатлар анчагина. Улар дастлаб Хиротда, кейинчалик «рўйи замин сайқали» Самарқанд мадрасаларида таҳсил олишган, буюк пири муридид Хожа Ахрор Валиини пири деб эътиборда тутишган. Иккаласи ҳам «хамса»чиликка ўзига хос шожона мавқега эга. Шу билан бирга бу иккала забардаст шоир тасавуф оқимининг йилри намояндалари ҳамдир.

Навоий форс тилида Фойий тахаллуси билан девон тузган бўлса, Жомий ҳам ўзбекча гўзал ғазаллар битган. Абдурахмон Жомийнинг икки тили ижодкор эканлигини, ҳар иккала тилини ҳам яхши билганлигини машҳур тарихчи Мирхонд ҳам ўзининг «Равзат ул-сафо» асарида қайт этиб ўтган.

Жомийнинг ўзбекча ғазалларини Е.Э.Бертельс «Навоий ва Жомий» номли улкан монографиясида «бу ғазаллар ҳақиқатда Жомийнинг эканлигини кейинги тадқиқотлар қўрсатади» дея сал истиҳоло билан эълон қилган бўлса, бугунги кун бундай



Самарқанд. Рухобд мақбараси

Болангизмас, мени тебратинг, Менга айтинг аллаларингиз. Болангизмас, мен йилганман Алла айтган паллаларингиз. Қуноғимга тушган ҳар гўлак Қувончимга қувонч қўшгуси, Қуноғимга тушган қунидан Тебратинг келар ерга тушгиси.

Гуноҳ тўла ёруғ жаҳонга Бунча шошар одам боласи. Мол оласи сиртида доим, Ичидадир одам оласи.

Жоҳиллар - қўп, оқил - санокли, Ҳаммасига бирдай онаман. Учиб кетар ҳаммаси бир-бир, Мен мисоли каптархонаман.

Кетанлардан умидим узиб, Келарига тикаман кўзим. Бўш қолганда алла айтаман Тумсолардай ўзимга ўзим: Болангизмас, мени тебратинг Менга айтинг аллаларингиз...

...Онамнинг раҳматли бўлиб кетганларига ҳам мана ўн ичиди бўлиб қолди. Бешик эса ҳамон бор. Уни ҳар гал кўрганамда онамни эслаяман. Қулоғим остида онамнинг ўша иттижоси васиятдек янграйди: - Ноумид шайтон, дала-жониси, Худо хоҳласа, келин туширсак невараларимни аввал мана шу бешикка беланишим.

Ушандан бери, менинг болаларим шу бешикка беланишди. Менинг ниятим, онам айтганларидек ўз невараларимни, онамнинг чевараларини ҳам мана шу бешикка беласи.

Мендан кейин очик эшик қолади, Дарнардани туйуқ-тешик қолади. Молу дунёё йўқдир сизга қолдирсам, Кўзтуморлар осик бешик қолади.

Бу дунёнинг ҳаволари мулоийм, Айтганингиз алла бўлсин, илоийм. Савобларим сизга қолсин, яқинлар, Ўзим билан кетсин қилган гуноийм.

Тунлар бешик ботди сийна-тўшимга, Болам эга чиқди ўнгу тушимга. Тол бешик-эй, сен қандайин меҳрибон, Кучоқ очдинг ялакату тўшимга.

Ўтин қилса бир ош пишар ҳолинг бор. Қовузолдан юмшоқ пару болинг бор. Шеху гадо сенга бирдай баробар, Ҳар гўдакка толеъ тилар фолинг бор.

Дил осуда, йўқ ғашлигу саросим, Оларим қолмади, қолди - меросим. Мерос бўлдинг менга келган онимда, Кетар бўлсам яна ўзинг меросим: Мендан кейин очик эшик қолади, Кўзтуморлар осик бешик қолади!

Оллоёр БЕГАЛИЕВ.

КЎРГАН-БИЛГАНЛАРИМ - САВОҚЛАРИМ

Ёз кунларидан бири. Тушликдан қайтиб келсам, Беҳзод компьютердан кўзини узмай: «Ташқаридаги одамни кўрдингизми? Сизни кутиб турибди», - деди.

БЕҲЗОД, СЕН МЕНИНГ ФАҲРИМСАН

У сўзини тутатмасидан ёши ўттизлардаги, урта бўйли, дўнг пешона, калта қилиб олинган сочи ўзига жуذا ярашган йилит кириб келди. Кўринишидан европалик эканлиги сезилиб турарди. Салом-алиқдан сўнг: «Менга баъзи бир маълумотлар керак эди», - деди у.

Кечирасиз, ким ва қаердан бўласиз? - деб сўрадим. - Мен-ми, - деди у, - Швециядан бўламан, Тошкентда ўқийман.

У рус тилида одамнинг ҳаваси келадиган даражада тоза гапирар эди. «Русмисиз?» деган саволимга, жилмайиб «Йўқ» деган жавобни берди. Қўлимга тутқақан ҳужжати билан танишар эканман,

- Инглизман, Лондонда тутилганман, бошланғич мактабини Римда, италиян тилида давом эттириб, Латвияда рус тилини тутатганман, - деди.

Кечирасиз, қайси мамлакат фуқароси бўласиз? - Айтдим-ку, шведиялик бўламан, исимим - Жон.

У пилёда узатилган чойни стулдан туриб, шарқона тавозе қилишга тақдир қилган ҳолда, бир қўлини кўксига қўйиб олди. Сўхбатимиз дўстона тус олган эди. Бир-биримизнинг мамлакатларимиз, урф-одатлар тўғрисида саволлар бердик.

- Швецияда қандай тузум? - Конституцион монархия. Бу дегани - кирол ҳам бор, Конституцияга таяниб фаолият юритадиган парламент ҳам бор.

- Киролнинг ёши улумми? - Элик ёшлардан ўтган. Беҳзод ўз ишини давом эттирар экан, биз томонга қараб: «Кирол 1946 йилда туғилган, 1973 йилда тахтга чиққан», - деб қўйди.

Меҳмон беҳтёр Беҳзодга ўғирлиб қўйди. Мен савол беришда давом

ОМОНУЛЛОХ.

ОНАМДАН ҚОЛГАН БЕШИК

Бешикни дунёга ўхшатаман, Ҳа, мана шу қадим, оддий ва буюк дунёга.

Омборхонасидаги тўсига илиб қўйилган бешикка бир кунни отам пешонасини уриб олиб, онамга далага қилдилар: - Ҳалиям сақлаб юрибсанми бу матоҳни? Ҳозир уни олиб чиқиб ёқиб юбораман.

Отам пешонасига бешик солган гура аччиқдан уни бир силтаб тўсиндан тушириб ва ҳовлига олиб чиқди. Онам жон ҳолатда бешикка ёпишди.

- Хой, ладажониси, бешикда нима гуноҳ? Раҳматли қайнонамдан қолган-а! Ўзингиз ҳам шу бешикка беланган экансиз. Беш боламизни ҳам бела катта қилдим. Шайтонга ҳай беринг.

Онамнинг танабуху ёлвориларидан сўнг отам ховридан тушилди. Раҳматли онасидан қолган, барча болалари беланган, қуриб-қақшаб кетганларидан пардай енгил бўлиб қолган бешикни ерга қўйиб, пешонасига гураани сийлаганча ўзини оқлашга уришиб, гапни қазила бурди:

- Бунинг ҳақи қолмабди. Ё яна бирортасини белаи ниятинг борми? - Отамнинг бау гапидан онамиз дув қизарди:

- Улманг, илоийм, болалар бор ҳам демайсиз. - Сўнгра отамнинг қўлидан ерга оҳиста тушган бешикни кўрганим олганча аввалги жойига қайтараркан, гапларини давом эттирди:

- Келин олсак, неварара кўрсак, уларни аввало мана шу бешикка бела оламан, худо хоҳласа.

Ҳа, ҳаммаси, аввало Яратганининг ироласио, онамнинг оқ ниятдек бўлиб чиқди. Кетмакет келинлар тушди. Неваралар туғилди. Уларнинг бари илк бор мана шу қўна бешикка бела олинганча, янги, серҳашам бешикларга кўчирилди.

Бўёқсиз, нақшу нигорлардан холи олдидигина тол бешик бирор ҳафта шохшо кимҳоблардан тикилган пардаушларга бурканар, унут бўлиб кетган гўдак исига қўмилирди.

Қўна бешик қуриб, қақшаб кетганларидан оёқлари, қасавалари, тутқичларини тебратилган пайтларда ўзича алаларга ҳамоҳанг ғичирлашга тушарди:

Ёз бозори...

Қорақалпоғистон ЁРДАМ МУҲТОЖЛАРГА ТЕГСИН

Қорақалпоғистон республикаси Жўқорғи Кенгесига бўлиб ўтган семинар кенгаш шу масалага бағишланди.

Унда Жўқорғи Кенгес котибнати раҳбари Э.Сейитов, Жўқорғи Кенгес қўнига раис С.Қутлимуродовлар маъруза қилиб, маҳаллалар, макон кенгашлари, овул фуқаролар йиғинлари билан шаҳар ва туманлар ҳокимиятларида олиб борилаётган асосий ишларни таҳлил қилди. Маълум бўлишича, ҳалига қадар баъзи маҳаллалар, овул фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, масъул ходимлари ва махсус комиссияларнинг масъулиятсизлиги оқибатида нафақа муҳтож оилаларни аниқлашда, нафақа тайинлашда қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда. Натижалда ёрдамга муҳтож оилаларнинг эътибордан четда қолиш ҳоллари юз берапти.

Семинар кенгаш иштирокчилари Узро фикр алмашишлар ва маҳаллалар, овул фуқаролар йиғинлари фаолиятини яхшилашга қаратилган тегишли қарор қабул қилинди.

А.ИСКАНДРОВ, «Mahalla» муҳбири.

Мусаввир тиғи билан



—Ўчирмай турунг, ёқиб олай!..

ДАРДАН ВИРОК БУЛИНГ

НЕТА ЧУЧУЗ МОМАДУ?

Ҳар гал лабимга учуқ тошганда буям: «Бирор нарсадан кўрдингми, ёмон туш кўрдингми?» деб сўрайдилар. Ҳақиқатдан ҳам одам бирор нуқуш воқеага дуч келса ёки кўрқинчи туш кўрса, учуқ тошадими? Балки бунинг бошқа сабаби бордир.

Саида АҲМАДЖОН қизи, Фарғона.

Учуқ аслида вируслар кўзгатадиган тери касаллиги бўлиб, фақат оғиз атрофи, лаб ва энгакка тошибгина қолмай, баданнинг турли жойларида майда гуж-гуж пуфакчалар ҳосил бўлиши билан ҳам кечади. Шунга ҳам айтиш керакки, ҳаво-томчи йўли билан ўтадиган юкумли хасталиклар каби учуқ ҳам соғлом кишига бемор билан мулоқот пайтида ёки вирус ташувчи воситалар орқали юқади. Йилнинг совуқ фаслида совқотиш, шармоллаш, организмнинг қаршилик кучи сустайга, турли юкумли хасталиклар - грип, зотилжам, безтақ оқибатида пайдо бўлиши кўпроқ учрайди. Ана шуларга асосланиб, учуқ юкумли хасталиклар тизимига кирари, дейиш ўринли бўлади.

Кимлар учун шунчаки оғриқсиз, асоратсиз осонгина ўтиб кетадиган оддий хасталик ҳисобланган учуқнинг ўзига яраша турлари ва ташвишлари бор. Ўнг кўп учуқнинг оддий ва ўраб олвичи учуқ бўлиб, бир ёшгача бўлган болаларга оддий учуқ тошмайди. Аслида оддий учуқ вирусига бола организмга кўпинча чақалоқлик даврида тушади. Лекин онадан ўтган имунитет ҳисобига ўтин аломатлари юзма чикмайди. Қачонки, имунитет қуввати кучсизланиб, қаршилик кўрсатиш қобилияти бўшабса, вируслар хужжат қилиб, касаллик ўзидан белги беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, инсон организмга тушган учуқ вирусини бир умрга сақланиб қолади ва қулай имкон яраллиши билан ўзининг борлигини хабар беради.

Оддий учуқлар лабга, бурун қанотлари, оғиз бўшлиғи, кўз ва жинсий аъзолар шиллиқ қаватида тошади. Агар синчиклаб кузатилса, тошмада ичиди тиниқ суюқлиги бор майда, гуж-гуж пуфакчалар икки-уч кун, гоҳ ундан ҳам тез мулдафта ёрилиб, сарғим-тир юпка қора қўтир билан қопланади.

Учуқ тошганда фақат тери эмас, асаб ҳам зарарланади. Бундан асосан беш оғриқ: йулиндек, оғриқнинг асаб йулиндек, асаб тошлари билан тарқалиши кузатилади. Асабнинг зарарланган қисмидаги терига кейинчалик майда пуфакчалар тошади ва пуфакча ичидида тиниқ суюқликка аввал йиринг, баъзан қон аралашади, яқинроқ жойлашган лимфа безларини катталашини, терилда кўтарилиши мумкин. Одатда пуфакчалар 6-8 кунда ёрилиб, қорақўтир билан қопланади. Хуллас, 2-5 ҳафта давлда хасталик тўзалиб, ўрни билинмай кетади. Аммо жисмонан заиф, кеска кишиларда учуқ пуфакчаларининг ўрни битиб кеткандан кейин ҳам асаб йуларидида оғриқ узоқ вақтларгача давом этиши мумкин.

Учуқ тошганда иложи борича иссиқ кийининг, айниқса, баҳор ва куз ойларида эҳтиёт бўлинг. Ураб олвичи учуқ авж олганда иссиқ уйдан ташқарига чиқишга ҳаракат қилманг, совуқ таъсирда баттар зўрайди. Бундай беморларга ўрида ётганини ва витаминга бой овқатлар истеъмол қилишни тавсия этамиз. Оғиз бўшлиғининг шиллиқ қавати зарарланганда шифокор тавсияси билан оғзини вақти-вақти билан чайиб туриш лозим.

Нилуфар ЗИЁМУҲАМЕДОВА, шифокор.

MANALLA га обуна бўлиш учун ҳеч қачон кеч бўлмайди.

MANALLA Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Тахрир хайъати: Шухрат ЖАЛИЛОВ, Иброҳим РАҲИМ, Расул РАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни басмахонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.